

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲУҚМ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ
ВА АДОЛАТЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ**

Бектураев Бехзод Аббосович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурудаги

Судьялар олий мактаби тингловчиси

Ҳар бир давлатда суд назорати институти турлича ташкил топган ва ривожланган. Масалан, Франция Республикаси қонунчилигига эътибор берсак, 1958 йил 4 октябрда қабул қилинган Конституциясида республика Президенти суд ҳокимиятининг кафолатидир деб ёзилган, чунки у Олий магистрат Кенгашининг бошлиғи сифатида Франция апелляция суди ва Франция кассация судининг судьяларини тайинлаган. Ҳозирда Франция жиноят судлов ишларини юриштида 1958 йил қабул қилинган ва 1959 йил 2 мартдан кучга кирган Франция Жиноят-процессуал кодекси асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Францияда жиноят ҳақидаги хабарларни текшириш - полиция суриштируви ва дастлабки терговдан иборат. Суриштирув функцияси суд полициясига юклатилган. Унинг фаолиятига прокурор раҳбарлик қилади. Жиноят иши қўзғатилгандан кейин тергов ишларини олиб бориш учун жиноят иши материали тергов судьясига берилар эди, 1958 йилги Жиноят-процессуал кодекси тергов судьяси фаолиятини тугатиб, суриштирув ва тергов устидан умумий раҳбарликни прокурорга юклади. Уларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан махсус назорат апелляция судининг айблов камераси томонидан олиб бориладиган бўлди. А.В.Солодиловнинг таъкидлашича “Франция Жиноят-процессуал фаолиятда суд назоратини ўзига хос хусусиятига эга деб айтиш қийин. Чунки, дастлабки терговдаги суд назорати асосий иш юриштининг таркибий қисмига айланиб кетган. Шунини таъкидлаш жоизки, айблов камераси берилган шикоят билан чекланиб қолмай, тўпланган далилларни ўрганиш мақсадида жиноят ишини тўлалигича талаб қилиб олишга ҳақли”¹.

«Апелляция судининг айблов камерасидан ташқари 1985 йил ташкил қилинган тергов палатаси ҳам дастлабки терговда суд назоратини амалга оширади. У нафақат тушган шикоятларни кўриб чиқади, балки ўз ташаббуси билан терговни назорат қила олади. Шунини эътиборга олмаса, тергов палатаси апелляция судининг айблов камерасидан жиддий фарқ қилмайди».² 2000 йил 15 июнда “Жабрланувчининг ҳуқуқи ва айбсизлик презумпцияси тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши билан француз Жиноят-процессуал кодексига муҳим ўзгартириш киритилди. 1) судьяларнинг ихтисослашуви кенгайтирилиб, қамоққа олишга санкция берувчи алоҳида судьялар таъсис этилди, 2) жиноят ишлари бўйича апелляция инстанция судлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, кассация судьяларидан иборат жиноят ишларини қайтадан кўриб чиқувчи кенгаш тузилди, ҳамда уларнинг ишлаш тартиби белгиланди, кенгаш ёки кассация инстанцияси ишни қайтадан кўриш учун ҳукмнинг ижросини тўхтата олади³.

¹ Солодилов А. В. Судебный контроль в системе уголовного процесса в России. –Томск:- 2000. –Б. 120.

² Муратова Н.Г. Система контроля в уголовном судопроизводстве: вопросы теории, законодательного регулирования и практики. -Казань 2004. –Б. 72.

³ Берестнев Ю. Меры общего характера. Хаккар против Франции. // Российская юстиция, -2001, -№ 12. –Б. 66.

Германия процессуал қонунчилиги аввалида тергов судьяси дастлабки терговнинг барча ишларига аралаштирилмаган. Дастлабки терговда асосий вазифани прокурор амалга оширади. Айрим ҳолатларда ҳимоячининг фаолияти ҳам чегараланган. Дастлабки терговда суд назорати фақат муҳим бўлган ишлар юзасидан амалга оширилган. Буни тергов судьяси, яъни ер суди коллегиясининг аъзоларидан бири бажарган⁴.

Шуни таъкидлаш жоизки, тарихда биринчи бўлиб, тараф ва тортишув тушунчаларидан Германия Олий суди фойдаланган. Олий суднинг раҳбарий кўрсатмаларида прокурорнинг суддаги процессуал ҳолати “қонун ҳимоячиси” сифатида эмас, балки фақат тарафларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида амалга оширилиши таъкидланган.⁵

Тергов судьяси прокурордан расман мустақил фаолият юритишга ҳақли бўлсада, амалда дастлабки тергов прокурорнинг кучли назорати ва раҳбарлигида амалга оширилган. Ҳимоячи ҳам дастлабки терговда фақат судга келолмайдиган гувоҳ, экспертларни сўроқ қилишда иштирок этишга ҳақли бўлган.

1877 йил 1 февралда қабул қилинган (1987 йил 7 апрель таҳрири билан) Германия ЖПКда қуйидаги шикоят турлари қайд қилинган: биринчидан, ажрим ва ҳукмлар бўйича апелляция ва ревизия; иккинчидан, жиноят ишини қайта тиклаш тўғрисидаги илтимос. Шуни таъкидлаш жоизки, хусусий шикоят, апелляция ва ревизия шикоят қилишнинг алоҳида усуллари ҳисобланган. Биринчи ва апелляция судининг ажримига, шунингдек, раислик қилувчи судьянинг ва тергов судьясининг қарорига хусусий шикоят қилишга фақат махсус топшириқ бўлганда йўл қўйилган.⁶ Апелляция инстанциясига шикоят қилиш ревизия тартибида шикоят қилишга нисбатан чегараланган. Ҳозирда Германия Федератив Республикаси жиноят процессида ҳукм устидан шикоят қилишнинг икки тури мавжуд: қонуний кучга кирмаган ҳукм устидан апелляция ва ревизия тартибида иш юритиш. Бу бизнинг қонунчилигимиздаги апелляция ва кассация инстанцияларига ўхшашдир.

Ҳукми ревизия тартибида кўрадиган суд, агар моддий қонун нотўғри қўлланилган бўлмаса, жиноят ишини янгитдан кўриш учун қайтармай ҳукми ўзгартириши мумкин. Германия Федератив Республикасининг 1949 йил 23 майдаги Асосий қонунига кўра тинтув, гумон қилинувчининг яшаш жойини кузатиш каби процессуал мажбурлов чоралари суд қарори билан амалга оширилади. Жазо тайинланадиган қилмишни содир этганликда гумон қилиниб ушланган ҳар бир шахс ушланган куннинг эртасидан кечикмай судьяга олиб келиниши шарт. Судья ушлаш асосларини аниқлаши, гумон қилинувчини шахсан сўроқ қилиши, унинг эътирозларини эшитиши керак. Шундан кейин судья ё гумон қилинувчини қамоққа олиш тўғрисида асослантирилган ёзма буйруқ беради ёки гумон қилинувчини дарҳол озод қилиш тўғрисида топшириқ бериши лозим.⁶

Германия жиноят судлов ишларини юритишда Бундестаг аъзоларининг тўртдан бир қисмининг талаби билан тузиладиган тергов қўмиталари деб номланган назорат органи ўзига хос ҳисобланади. Тергов қўмиталари Бавария Республикаси Конституциясида ҳам кўрсатилган

⁴ Чельцов-Бебутов М. А. Курс уголовно-процессуального права. Очерки истории суда и уголовного процесса в рабовладельческих, феодальных и буржуазных государствах. – СПб, 1995. – 562 б.

⁵ Гуценко К.Ф., Головки Л. А., Филимонов Б.А. Уголовный процесс зарубежных стран. –М.: Изд. Зерцало. 2002. – 402 б.

⁶ Основной закон Федеративной Республики Германии. // Конституции зарубежных стран. Сборник. Составитель В.Н. Дубровин. -М.: 2003. -Б 161.

(25-модда).⁷ Тергов қўмитаси очиқ суд мажлиси ўтказиб, жиноят иши бўйича процессуал қонун талабларига кўра далиллар тўплайди. Судлар ва маъмурий органлар уларга ҳуқуқий ва хизматлари доирасида ёрдам берадилар. Тергов қўмитасининг қарори қонуний ҳисобланади. Судлар тергов асосига қурилган ҳолатларни кўриш ва баҳолашда эркин ҳисобланади.

Германия Федератив Республикаси ЖПКнинг 1993 йил 1 январь таҳрири жиноят ишлари бўйича суд назоратининг турлари белгиланган ягона норматив ҳужжат ҳисобланади. Унга кўра, бир қатор тергов ҳаракатлари ва процессуал мажбурлов чоралари суд назоратида амалга оширилади: буларга айбланувчини гувоҳлантириш, суд қарорига кўра қонидан намуна олиш; бошқа шахсларни гувоҳлантириш; олиб қўйиш; почта-телеграф корреспонденцияларини хатлаш; телефон сўзлашувларини назорат қилиш; тинтув ўтказиш; кўчаларда назорат пунктларини ташкил қилиш, мулкни рўйхатга олиш ёки хатлаш, чоп этилган асарни олиб қўйиш; тергов арести, арестни текшириш; айбланувчини руҳий ҳолатини кузатиш учун руҳий касаллар шифохонасига жойлаштириш ва ҳоказолар⁸ киради.

Ҳозирги Германия жиноят-процессуал қонунчилигида дастлабки суд муҳокамаси деб ном олган бобда суд назоратининг тури назарда тутилмаган. 1975 йилга қадар суд назоратининг бу тури тергов судьяси томонидан дастлабки тергов шаклида олиб борилар эди. Кўп ҳолларда бу назорат суриштирув, дастлабки тергов ёки прокуратура томонидан олиб борилган фаолият билан такрорланиб қолар эди. Шунинг учун 1975 йил ўтказилган суд ислоҳотида тергов судьяси институтига барҳам берилди.

Англияда ҳуқуқнинг англо-саксон шакли амалда бўлиб, суд инсон ҳуқуқ ва эркинликларини асосий кафолати ҳисобланади. Англияда мавжуд бўлган казуист ҳуқуқида шахсни қамоққа олишнинг қонунийлигини текширишнинг тўрт хил суд буйруқлари мавжуд экан. Аста-секин бу буйруқларнинг учтаси барҳам топиб, фақат “Habeas Corpus Act” деб номланган, яъни “қамоққа олинган шахсни дарҳол судга олиб келиш зарур” лиги тўғрисидаги буйруғи қолди⁹.

“Habeas Corpus Act” 1679 йил 26 майда қабул қилинган бўлиб, қамоққа олиш устидан шикоят қилиш ва ноқонуний ушлаб турилган шахсни дарҳол озод қилишнинг биринчи классик намунаси ҳисобланади. “Habeas Corpus Act” инсоният тарихида ўзбошимчалик билан ҳибсга олишни чеклаган биринчи ҳужжатдир. Унда “Ҳеч бир озод, эркин фуқаро суд қарорисиз ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, мулкидан маҳрум қилиниши, қонундан ташқари деб эълон қилиниши, қувғинга олиниши мумкин эмас” дейилади. Жиноят ишлари бўйича “Habeas Corpus Act” қуйидагича тартибда амалга оширилади. Ҳар бир қамоққа олинган айбланувчи ўзини нотўғри ҳибсга олинган деб ҳисобласа, шахсан ўзи ёки ҳимоячиси орқали лорд-канцлерга шикоят қилишга ҳақли. Лорд Habeas Corpus буйруғини бериш ҳамда уни тасдиқлайдиган муҳрни сақлаш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳисобланади. Мурожаатни олган судья дарҳол ишга киришиб, қамоққа олишнинг қонунийлигини текширади. Агар қамоққа олиш ноқонуний амалга оширилган бўлса, шахс дарҳол озод қилади¹⁰. Англия юридик адабиётларида “Habeas

⁷ Муратова Н.Г. Система контроля в уголовном судопроизводстве: вопросы теории, законодательного регулирования и практики. -Казань 2004. –Б. 77.

⁸ Солодилов А. В. Судебный контроль в системе уголовного процесса в России.–Томск: 2000. –Б 124.

⁹ Полянский Н. Н. Уголовное право и уголовный суд Англии. –М.: 1969. –314 б.; Гуценко К.Ф., Головкин Л.А., Филимонов Б.А. Уголовный процесс зарубежных стран. –М.: Изд. Зерцало. 2002. –356 б.

¹⁰ Полянский Н.Н. Уголовное право и уголовный суд в Англии. – М.: 1969. –Б. 284-287.

Corpus Act” шахс ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг олий даражадаги кафолати ва инглизларнинг миллий ғурури” деб таърифланади¹¹.

Англия судининг ташкил топиши ва тузилиши анча мураккаброқ. Улар тўрт босқичли суддан иборат:

- 1) Лордлар палатаси
 - 2) Апелляция суди
 - 3) Юқори суд ва корона суди
 - 4) Қуйи судлар: графлар суди ва магистратлар суди, 1971 йилдан бошлаб апелляция суди.
- Юқори суд ва корона судлари олий суднинг бўлинмалари бўлиб ҳисобланади.

Лордлар палатаси жиноят ишларини кўрадиган суд сифатида икки хил ваколатни амалга оширади: 1) умумий судларда кўрилган жиноят иши бўйича апелляция инстанцияси сифатида; 2) биринчи инстанция суди сифатида.

XVII асрнинг охирида Англияда қасамёд суд томонидан чиқарилган ҳукм қатъий, айблов ҳукми бўладими, оқлов ҳукми бўладими шикоят қилиниши мумкин эмас, деган қоида ўрнатилган. Ўша вақтда Англияда янги очилган ҳолатлар бўйича жиноят ишларини қайтадан ҳаракатга келтириш тартиби йўқ эди. Агар маҳбуснинг айби бўлмаса, ички ишлар вазирининг тақдимномасига кўра афв этилар эди.

XIX асрга келиб парламентга бир неча маротаба присяжный судларининг айблов вердиктини қайта кўришни белгилловчи қонун лойиҳалари тақдим қилинди, лекин уларнинг биронтаси қабул қилинмади.

1907 йил Англия юристлари назарида одил судловни амалга оширишда инқилоб содир бўлди – жиноятишлари бўйича апелляция судлари ташкил этилди. Апелляция тартибида айблов ҳукми устидан фақат маҳкум шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Апелляция суди биринчи инстанция суди томонидан тайинланган жазони иш ҳолатига ва маҳкумнинг содир қилган қилмишига мос эмас деб топса, жазони ўзгартириб, ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган томонга ўтиш ваколатига эга бўлди. Лекин бу ҳақда шикоят билан мурожаат қиладиган маҳкум огоҳлантирилиши шарт эмаслиги қайд қилинди.

Англияда тергов судьялари йўқ, уларнинг ўрнида Корона судлари мавжуд. Коронарлар присяжныйлар билан биргаликда қотиллик жиноятларини, табиий бўлмаган ёки гумондаги ўлимларни ёки ўлимнинг сабаби аниқланмаган ҳолатларни текширишда иштирок этадилар. Буни Англиянинг жиноят судлов ишларини юритишнинг алоҳида хусусияти деб айтиш мумкин. Махсус қироллик терговини амалга оширилишини ҳисобга олмаганда, нафақат тақдим этилган далилларни текширувчи, балки уларни топиш мажбуриятига эга бўлган ёки суд органи фаолиятига хизмат қиладиган дастлабки терговнинг ўзи йўқ. Англияда барча тергов ҳаракатларини ўтказиш процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ва шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш полиция хизматига тегишли бўлган. Яқин вақтларгача полиция бошлиғи жиноят ишини қўзғатиш ваколатига ҳам эга эди. Ҳозирда бу ваколат давлат айблов

¹¹ Ахпанов А.Н., Насыров Г.Х. Арест в качестве меры пресечения: проблемы судебного контроля и санкционирования. (Монография.) – Алматы: 2005. –Б 23.

хизмати ваколатига берилган. Бу хизматни Бош атторней бошқаради. У умумий жиноий таъқиб директори сифатида жойларда қироллик айбловчиларини тайинлайди”.¹²

Шуни таъкидлаш жоизки, Англияда далилларни дастлабки текшириш, умумий қоидага кўра, айблов ҳужжати судга тақдим этилгандагина амалга оширилиши мумкин. Бундай текширув органи бўлиб, мировой (келишув) судлари, пойтахтда – полициямагистрантлари, жойларда – тўлов асосидаги магистрлар ҳисобланади. Далилларни дастлабки текшириш яқка тартибдаги судьялар ёки кичик сессияларда (суд мажлисида) амалга оширилади. 1848 йилги қонунга кўра, судья ёки суд олдиндан далилларни текшириб, шу асосда шахсни айблаш мумкинми ёки йўқми деган масалани ҳал қилади.¹³

1952 йили магистрат (полиция) судлари тўғрисидаги қонун қабул қилингандан кейин Англия жиноят судлов ишларини юритишнинг бу босқичдаги вазифалари янада аниқлаштирилди. Жиноят иши материални дастлабки текширувдан ўтказадиган магистратнинг вазифаси жиноят иши материални мазмунан ўрганмасдан ҳамда таъқиб қилинаётган шахснинг айбдор ёки айбсизлигини олдиндан ҳал қилмасдан туриб, мавжуд далиллар билан танишиш орқали, шахсни ушбу айблов ҳужжати билан присяжный судига бериш мумкинми ёки йўқми деган масалани ҳал қилишдан иборат бўлади.

Жиноят иши бўйича апелляция суди 1966 йил 1 октябрга қадар амалда бўлди. Кейинчалик Донаван комиссиясининг таклифига кўра, Олий суд қошидаги жиноят иши бўйича апелляциянинг ваколати кенгайтирилди. Апелляция суди бўлимининг бир палатаси маҳкумлардан тушган ҳукм бўйича апелляция шикоятини бош суднинг лорди раислигида кўриб чиқадиган бўлди. Бу қонунга кўра шикоят берган маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган томонга ўтиш бекор қилинди.

Англияда кассация суди йўқ, иккита апелляция инстанцияси фаолият кўрсатади. Лордлар палатаси апелляция инстанцияси сифатида жиноят ва фуқаролик ишлари юзасидан шикоятларни кўриб чиқади. А.К.Романовнинг фикрича, Лордлар палатаси йўл қўйилган хато ва камчиликларни апелляция суди сифатида бартараф қилишда яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Масалан, 1995 йил Лордлар палатаси апелляция судининг 25 % жиноят ишлари бўйича қарорларини бекор қилган. Кейинги йилларда бу кўрсаткич яна ўсган.¹⁴

А.В. Солодиловнинг таъкидлашича, Англиянинг ҳуқуқ тизимини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, унинг дастлабки терговда суд назорати мавжуд. “Дастлабки терговда суд назорати” жумласи шартли ишлатилгани билан дастлабки терговда суд тизими сезиларли даражада ўз ҳукмини ўтказади. Масалан, дастлабки терговда суд назоратини амалга оширишнинг қуйидаги объектларини санаб кўрсатиш мумкин:

1) тергов ҳаракатларини ўтказишда; 2) процессуал мажбурлов чораларини қўллашда; 3) Habeas Corpus Act процедурасида, яъни шахсни ноқонуний қамоққа олиш устидан даъво қўзғатишда; 4) судга беришда (судда дастлабки иш юритиш).¹⁵

¹² Романов А.К. Правовая система Англии. -М.: 2002. –Б. 239-241.

¹³ Муратова Н.Г. Система контроля в уголовном судопроизводстве: вопросы теории, законодательного регулирования и практики. -Казань 2004. –Б 84.

¹⁴ Романов А.К. Правовая система Англии. -М.: 2002. -Б.252.

¹⁵ Солодилов А. В. Судебный контроль в системе уголовного процесса в России.-Томск.: 2000. -Б.140-141.

Хулоса қилиб, шуни айтиш жоизки, биринчидан, ривожланган хорижий давлатлар Жиноят-процессуал қонунчилигида суд назорати мавжуд ва у жиноят судлов ишларини юритишда бутун бир тизимни ташкил этади; иккинчидан, жиноят процессида суд назорати узоқ тарихий даврлардан бери инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазасини ҳуқуқий кафолати тарзида амалда бўлиб келган ва бундан кейин ҳам ўз мавқеини йўқотмайди. Учинчидан, хорижий мамлакатларнинг жиноят процессидаги суд назорати институти тажрибасини ўрганиш:

а) дастлабки терговда суд назоратини махсус ваколатга эга бўлган иштирокчи (тергов судьяси) томонидан олиб боришнинг шарт эмаслиги;

б) дастлабки терговда прокурор назорати билан суд назорати бир-бирига ҳалал бермаслиги тўғрисидаги фикрларимизни қатъийлаштиради.

Суд назоратининг ташкил топиши, ривожланиш тарихи ҳамда хориж тажрибасини ўрганиш асосида қуйидаги илмий хулосаларга келдик:

1. Жиноят процессида суд назорати мустақил институт бўлиб, ўзининг ташкил топиши ва ривожланиши тарихига эга.

2. Жиноят процессида суд назоратининг учта тури мавжуд:

а) дастлабки терговда суд назорати;

б) жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда суд назорати;

в) ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда суд назорати.

3. Жиноят процессида суд назоратини мустақил тизим сифатида эътироф этиш лозим. Ҳар бир тизим ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади.

4. Суд назорати тизимига кирувчи судлар ўз турлари, вазифаси, мақсади, иштирокчилари чегараси, объекти ва қабул қиладиган ҳужжатларига кўра бир-биридан фарқ қилади.

5. Суд назоратининг турларини тизим сифатига боғлаб турадиган хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

а) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш;

б) бу фаолиятни фақат холис судьялар томонидан амалга оширилиши;

в) суд назорати ҳужжатларини ижро этишнинг умуммажбурийлиги;

г) суд назоратида тортишувчилик, тарафларнинг тенглиги принципларига асосланиб иш юритилиши;

д) суд назорати унга илтимос ёки шикоят билан мурожаат қилгандагина юзага келиши.

6. Дастлабки терговда суд назоратини ўрнатишнинг ҳуқуқий заминини яратиш, яъни миллий қонунчиликда ушбу масалани қайд қилувчи қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

7. Дастлабки терговда суд назоратини амалга оширувчи махсус ваколатга эга бўлган тергов судьясига эҳтиёж йўқлиги.

8. Дастлабки терговда прокурор назорати билан суд назорати бир-бирига мутаносиб равишда фаолият кўрсатишлиги.